

АРТУР ТАЙМАЗОВ

Салимов Ў. Даминов И. ТерДУ.

Артур Борисович Таймазов (1979 йил 20 июльда Ногир қишлоғи, Шимолий Осетияда туғилган) – Ўзбекистоннинг Эркин кураш бўйича буюк спортчиси.

Ушбу спорт тури тарихидаги энг унвони кўп бўлган учта спортчилардан биридир. Уч карра Олимпия чемпиони (2004, 2008 ва 2012), 2000 йил Олимпия ўйинларининг кумуш медали соҳиби, икки карра Жаҳон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони, уч карра Осиё ўйинлари чемпиони. Ўзбекистоннинг энг обрўли ва фахрий спортчиси. Мамлакат тарихидаги 6-олтин медаллардан 3-тасини ушбу буюк спортчи қўлга киритган.

Шимолий Осетия, Владикавказ шаҳри ёнидаги Ногир қишлоғида туғилган. Ўз акалари билан бирга оғир атлетика ва кураш билан шуғулланган. Катта акаси – Тимур Таймазов – 1996 йили Украина терма жамоаси таркибида оғир атлетика бўйича Олимпия чемпиони, икки карра жаҳон чемпиони бўлган.

1998 йил Халқаро ёшлар ўртасидаги ўйинлар ғолиби Артур, ёшлар ўртасидаги турнирларда қатнашиб, ўз спорт туридан аста-секин ривожланиб, ўз мақсадлари сари борди.

2000 йили Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида, Артур финал учрашувни ўз юртдоши ва клубдоши Давид Мусульбесга бой бериб, кумуш медални қўлга киритди. Афинада (2004) ва Пекинда (2008) бўлиб ўтган кейинги Олимпия ўйинларида ўз рақибларининг барчасини мағлуб этим икки карра Олимпия ўйинлар чемпиони бўлди.

2012 йили Лондонда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида Эркин кураш бўйича мусобақалар ғолиби бўлган Артур Таймазов, Эркин кураш спорти тарихида 3 маротаба Олимпия ўйинларида олтин медал олган уч буюк спортчилардан бирига айланди. Унгача бундай натижага Александр Медведь (1964, 1968 ва 1972) ва Бувайсар Сайтиевлар (1996, 2004, 2008) эришган эдилар.

Ушбу буюк хизматлари учун Артур Таймазовга 2012 йили “Эл-юрт Ҳурмати” ордени билан тақдирланди.

Тўлиқ исми:	Артур Борисович Таймазов
Фуқаролиги:	Ўзбекистон
Клуб:	“Динамо” Тошкент
Туғилган сана:	1979 йил 20 июль (34 ёшда)
Туғилган жойи:	Ногир қишлоғи, Шимолий Осетия
Мураббийлари:	Алаев Хасан Владимирович Дедегкаев Казбек Магомедович
Бўйи:	190 см
Вазни:	114 кг

Спортда эришган ютуқлари		
Эркин кураш		
Олимпия ўйинлари		
Кумуш	Сидней 2000	130 кг гача
Олтин	Афина 2004	120 кг гача
Олтин	Пекин 2008	120 кг гача
Олтин	Лондон 2012	120 кг гача
Жаҳон чемпионатлари		
Кумуш	София 2001	130 кг гача
Олтин	Нью Йорк 2003	120 кг гача
Олтин	Гуанчжоу 2006	120 кг гача
Бронза	Баку 2007	120 кг гача
Кумуш	Москва 2010	120 кг гача
Осиё ўйинлари		
Олтин	Пусан 2002	120 кг гача
Олтин	Доха 2006	120 кг гача
Олтин	Гуанчжоу 2010	120 кг гача
Осиё чемпионати		
Олтин	Гуйлинь 2000	130 кг гача
Олтин	Тошкент 2011	120 кг гача
Россия чемпионати		
Бронза	Санкт-Петербург 2000	97 кг гача
Олтин	Москва 2001	130 кг гача